

## А Ж Р И М

2002-йил октябрь ойи 30 куни Жиноят ишлари буйича Олтиарик туман суди уз биносида очик суд мажлисида: Раислик этувчи: Т.Вахобов. Халк маслахатчилари: А.Дадажонов. 2.Р.Хакимовлар-составида, Н.Мамарозикованинг котибалигида, томонлардан прокурор А.Тешабоев, адвокат К.Эргашев нинг иштирокида Узбекистон Республикаси ЖК.нинг 168-моддаси 3-кисмини «а» банди, 184-моддаси 3-кисми, 228-моддасини 1-кисми ва 2-кисмини «б» банди билан Эргашев Рахимжон Позиловични айблаш хакида № 143-сонли жиноят ишини куриб куйидагиларни,-

### А Н И К Л А Д И :


Судланувчи Эргашев Рахимжон Позилович, 1961-йил 12 мартда Фаргона вилояти, Охунбобоев туманида тугилган, миллати узбек, маълумоти олий, Узбекистон Республикаси фукароси, депутат эмас, давлат мукофоти ва унвонлари йук, мукаддам судланмаган, вақтинча ишламайди, оилали, гурт нафар фарзанди бор, Охунбобоев тумани, Гиштмон кишлок фукаролар йигини, Хужалар махалласида яшайди, эхтиёт чораси камокда сакланмокда, айблов хулосаси нухасини олган.

Дастлабки тергов органи томонидан Эргашев Рахимжон Позилович 2000-йил 10-май куни Наманган вилояти Уйчи туманидаги «Саховат» дехкон-фермер хужалиги рахбари Далиев Исмоилни алдаб, ишончига кириб, узининг фаолияти тугатилган «Эргашевлар» номли дехкон-фермер хужалиги номидан калбаки шартнома тузиб, Долиев И.дан 12-тонна 3.600.000 сумлик металл листларни олиб пулини туламасдан фирибгарлик йули билан уни жуда куп микдордаги мулкени узлаштирганликда, шунингдек 2000-йил ёз ойларида Маргилон шахридаги «Хакикат» номли куп тармокли савдо ишлаб чикариш фирмаси рахбари Тожибоева Муътабарни алдаб, ишончига кириб, фирибгарлик йули билан уни жуда куп микдордаги 5.693.000-сумлик мулкени кулга киритиб, хужжатларни калбакилаштириб ва сохта хужжатлардан фойдаланиб жуда куп микдордаги даромадни касддан яшириб, соликларни тулашдан буйин товлаб, узининг бу харакатлари билан Узбекистон Республикаси ЖК.нинг 168-моддасини 3-кисмини «А» банди, 184-моддасини 3-кисми, 228-моддасини 1-кисми ва 2-кисмини «б» бандида курсатилган жиноятларни содир этганликда айбланиб судга берилган.

Мазкур жиноят иши судда мазмунан куриш жараёнида иш буйича давлат айбловчиси прокурор А.Тешабоев судга талабнома киритиб, суд мажлисида жиноят иши буйича дастлабки тергов даврида аникланмаган янги холатлар очилгани ва бу холатлар буйича судланувчи ва бошка янги шахсларга нисбатан айб эълон килиш лозимлиги, жиноят иши буйича тергов харакатлари тулик олиб борилмагани, хакикий холатлар аникланмагани ва бу холатда жиноят ишини суд мажлисида куришни давом эттириш максадга мувофик эмаслигини билдириб, жиноят ишини кушимча тергов кайтаришни суради.

Суд, давлат айбловчиси прокурор А.Тешабоевни талабномасини мухокама килиб, иш буйича тупланган далилларни текшириб куйидаги асосларга кура талабномани каноатлантиришни ва жиноят ишини кушимча терговга кайтаришни лозим топди.

Дастлабки тергов органи томонидан ушбу жиноят иши буйича тергов харакатлари олиб боришда Узбекистон Республикаси ЖК.нинг 22-моддаси талабларини, яъни «Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, уни содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боглик барча холатларни аниклаши



шарт,иш буйича исботланиши лозим булган барча ҳолатлар синчковлик билан,хар томонлама,тула ва ҳолисона текшириб чиқилиши керак,ишда юзага келадиган хар кандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган ҳам айблайдиган шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган ҳам огирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозим» деган талаблари бажарилмаган.Жумладан:

1. Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Эргашев Р.га 2000-йил 10-май клуни Наманган вилояти,Уйчи туманидаги «Саховат» дехқон-фермер хужалиги раҳбари Далиев И.ни алдаб,ишончига кириб узининг фаолияти тугатилган «Эргашевлар» номли дехқон-фермер хужалиги номидан қалбаки шартнома тузиб,Далиев И.дан 12 тонна 3.600.000 сумлик металл листларни олиб,пулини туламасдан фирибгарлик йули билан уни жуда куп микдордаги мулкени узлаштириб,узининг бу ҳаракати билан Узб.Респ.ЖК.нинг 168-моддасини 3-қисмини «а» бандида ва 228-моддасини 1-қисмида курсатилган жиноятларни,шунингдек у ҳужжатларни сохталаштириш йули билан 3.600.000 сумлик даромад олиб,шу даромаддан тулаши лозим булган 1.408.700 сум даромад солигини тулашдан қасддан буйин товлаб,узининг бу ҳаракати билан Узб.Респ.ЖК нинг 184-моддасини 3-қисмида курсатилган жиноятни содир этганликда айбланиб судга берилган булсада,суд мажлисида фуқаровий даъвогар сифатида суралган Далиев И. судланувчи Эргашев Р. юқорида курсатиб утилган 3.600.000 сумлик металл листдан ташқари 1998-йил куз ойларида уша пайтдаги нарх-наво буйича хар бир донаси 350-сумдан жами 210.000 сумлик 600 дона»ДВП» қурилиш материали олиб шу кунга қадар пулини бермагани,ҳозирги бозор нархида ушбу 600 дона «ДВП» ни нархи 3.000.000 сумни ташқил қилиши,бундан ташқари 1998-йил 17 феврал куни Эргашев Р. ундан 250 қаробқада булган уша пайтдаги нарх-наво буйича 1.633.000 сумлик 5-тонна сариеғни олиб,пулини 1998-йил 10-мартда бераман деб тилхат ҳам ёзиб бергани,лекин шу пайтгача бу пулни ҳам бермагани,ҳозирда сариеғни хар бир қилоси 2.000 сумдан 5-тонна сариеғни пули 10 миллион сум булиши,шуларни ҳисобга олган ҳолда бугунги кунда судланувчи Эргашев Р.томонидан унга етказилган моддий зарар жами булиб 16.600.000 сумни ташқил қилиши,Эргашев Р. билан муқаддам яхши муносабатда булиб келгани ва у ҳамма қарзларини талайман деб унга ваъда бериб келгани сабабли тергов органларига илгари бу ҳақда айтмагани,лекин Эргашев Р.эндиликда ҳеч нарсани тан олмайгани сабабли ундан ҳамма қарзларини ундириб олишга қарор қилганини,шунга қура у судланувчи Эргашев Р. томонидан узига етказилган моддий зарар суммаси жами булиб 16.600.000 сумни ундириб беришни суради ва судга Эргашев Р. томонидан уз қули билан ёзиб берган тилхатни тақдим этди. Шунингдек,фуқаровий даъвогари Далиев И. уз курсатмасида ушбу «ДВП» ва сариеғни бозордан нақд пулга сотиб олгани учун узини «Саховат» дехқон-фермер хужалигига қирим қилмагани ва Эргашев Р. бу нарсаларни сотиб фойдасини булишамиз деб уни ишонтиргани сабабли ҳеч кандай ҳужжат расмийлаштирмасдан Эргашев Р.га тилхат орқали бериб юборганини билдирди.

Судланувчи Эргашев Р. ҳам суд мажлисида бу ҳолатни инқор этмасдан ҳақиқатдан ҳам Далиев И.дан 1998-йил 17 феврал кунида уша пайтдаги нарх-наво буйича хар бир қилоси 327 сумдан 1.633.000 сумлик 250-га қаробқада булган жами 5-тонна сариеғни тилхат бериб олгани тугрилиги ва бу сариеғларни Фаргона шаҳар бозорида хар бир қилосини 380-400 сумдан хар куни 10-15 қаробқадан улгуржисига сотиб 250.000 сумдан ошиқ даромад қилиб фойдалангани ва сариеғни пулини уша пайтда Далиев И.га олиб бориб бергани,бундан ташқари 1998-йил куз ойларида Далиев И.дан хар бир донаси 350-сумдан 210.000 сумлик 600 дона «ДВП» ни олиб,Жиззах шаҳрига олиб бориб хар бир донасини 500-600 сумдан сотиб фойдалангани тугрилиги ва уни ҳам пулини уз в актида Далиев И.га берганини,лекин

ушбу олиб сотилган махсулотлар учун хакикатда ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирилмагани ва солиқ органларига ҳам ҳисобот берилмаганини курсатди. Лекин тергов органи томонидан судланувчи Эргашев Р.га ушбу янги очилган ҳолатлар юзасидан айб эълон қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК.нинг 419-моддаси 3-бандига асосан «айбланувчи зиммасига илгари қуйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловларни қуйиш учун ёхуд айбловни огирроқ айблов билан ёки хақиқий аҳволга қура айблов ҳулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд бўлса», - суд жиноят ишини қушимча тергов юритиш учун қайтариш лозимлиги курсатилган.

Шунга қура, иш буйича фуқаровий даъвоғари Далиев И.нинг юқоридаги курсатмаси буйича судланувчи Эргашев Р. томонидан унга етказилган хақиқий моддий зарар суммаси айбловда курсатилганидек 3.700.000 сум эмас, балки 16.600.000 сумни ташкил қилиши ва судланувчидан айнан шу суммани ундириб беришни талаб қилаётганидан қелиб қикиб, қушимча тергов даврида янги очилган ушбу ҳолатлар атрофлича равишда текширилиб, судланувчи Эргашев Р. томонидан фуқаровий даъвоғари Далиев И.га етказилган хақиқий зарар миқдори аниқланиши ва шу зарар миқдоридан қелиб қикиб судланувчига қайта айб эълон қилиниши лозим бўлади.

Шунингдек, қушимча тергов даврида янги очилган ушбу ҳолатлар буйича ва бу ҳолатни ҳар икки томон ҳам инкор этмагани сабабли судланувчи Эргашев Р.га назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида иш буйича фуқаровий даъвоғари Далиев И. билан олдиндан узаро жиноий тил бириктириб бир гуруҳ бўлиб, ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирамаган ҳолда жуда қу миқдордаги махсулотларни олиб-сотиб, бу ҳақда солиқ органларига ҳисобот топширмасдан, фойда ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасдан яшириб, солиқ туловларини тулашдан қасдан буйин товлаш жиноятини содир этганлиги факти юзасидан қушимча айб эълон қилиниши лозим бўлади.

2. Бундан ташқари, судланувчи Эргашев Р. узининг тергов даврида берган дастлабки курсатмаларидан бошлаб, у Далиев И.дан ҳеч қанақа металл лист олмаганини ва бундай металл листни узи умуман бўлмаганини, балки Далиев И.дан 1997-йил декабр ойида ҳар бир қилоси 40-сумдан жами 400.000 сумлик 10-тонна картошқани сотиб пулини кейин олиб қелиб бериш шарти билан ҳеч қандай ҳужжатсиз қабул қилиб олгани, лекин бу картошқани пулини уз вақтида қайтара олмагани учун Далиев И. унга ҳар ойига 20 % дан устама тулайсан деб айтгани, шундан кейин 2000-йил май ойида Далиев И. уни олдиға қелиб картошқани пули 3-йил 4-ойда фоизлари билан 3.600.000 сум бўлганини, ҳозир уни солиқ текшираётганини, шунинг учун ушбу картошқани пулиға тугрилаб, гуё у 3.600.000 сумлик 12-тонна металл листни уни «Эргашевлар» фермер ҳужалиғиға берганлиги тугрисида шартнома ва бошқа ҳужжатларни вақтинча тузиб туриш кераклигини, текширишдан кейин бу ҳужжатларни узи йукотиб юборишини айтгани, Далиев И.дан уша пайтда хақиқатда қарздор бўлгани ва у билан яхши муносабатда бўлиб қелгани сабабли уни таклифиға рози бўлгандан кейин, Далиев И.ни узи уни фермер ҳужалиғини қоровулхонасида шартнома бланқасини ва яна бир неча қогозларни тулдириб, унга имзо қуйдириб, фермер ҳужалиғи муҳрини бостириб олгани, кейинчалик у Далиев И. уни алдаб атайлаб шу ишни қилганини тушунгани, яъни Далиев И. 10 тонна картошқани пулини фоизлари билан ундан қонуний йул билан ундириб олиш учун ҳеч қандай ҳужжати бўлмагани сабабли шу йул билан ҳужжатлаштириб олганини кейинчалик тушунганини, мавжуд ҳужжатлар ҳаммаси Далиев И.ни таклифи билан қалбаки тузилганини, аслида эса у Далиев И.дан ҳеч қандай металл лист олмаганини ва бундай метал листни узи умуман бўлмаганини билдириб курсатма берган. Лекин дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Эргашев

Р.нинг юкорида келтирган важлари мутлоко текширилмаган ва тегишли хукукий баҳо берилмаган.

Бундан ташкари, ушбу ҳолат буйича суралган Далиев И. узининг тергов даврида берган курсатмасида 12-тонна металл листларни жами 3.360.000 сумга 1998-йил баҳор ойларида сотиб олганини ва бу металл листлар уйини дарвозаси олдида икки йилча турганини курсатган булсада ( 3-том и.в. 55-57 ) суд мажлисидаги курсатмасида у ушбу металл листларни 1999 йил август-сентябр ойларида 2.800.000 сумга сотиб олганини ва уни уйи олдида кучада 6-7 ой турганини билдириб курсатма берди. Суд мажлисида гувоҳ тариқасида суралган Далиев И.нинг кушниси Турсунов Бахтиёр эса металл листларни уни уйи олдида 1997-йил ёз ойларида турганини билдириб курсатма берди. Юкоридагилардан қуринмоқдаки иш буйича фуқаровий даъвоғари Далиев И. ушбу 12-тонна металл листларни сотиб олиш нархи ва олиб келинган вақти буйича берилган саволларга бир-бирига зид қарама-қарши курсатмалар бериб келмоқда. Бу эса судда мазкур металл листлар узи ҳақиқатда мавжуд булган ёки йуқлигига асосли шубҳа уйғотади.

Қушимча тергов даврида бу ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида судланувчи Эргашев Р. томонидан металл листларни олиб келиб тушириши мумкин булган жойлар уни қуни-қушнилари, қариндош-уруғлари, фермер хужалигида ишлаган ишчилар, у билан алоқада булган хусусий тадбиркорлар, қорхона-ташкilotлардан суриштириш йули билан металл листларни кейинги тақдири нима булганини аниқланиши ва қушимча далиллар туплаш орқали бу масалага ойдинлик киритилиши лозим булади.

3. Судланувчи Эргашев Р.га кейинги айблов эпизоди буйича дастлабки тергов органи томонидан эълон қилинган айбномага қура, Эргашев Р. 2000-йил ёз ойларида Маргилон шаҳридаги «Ҳақиқат» номли қуп тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Тожибоева М. билан танишиб уни қорвачилиқдан мутлоко хабари булмаганини билгани ҳолда уни алдаб, ишончиги қириб, узини фермаси борлигини, қорвачилиқ буйича мутахассис эканини, шунга қура биргалиқда ишлаб қорва моллари харид қилиш ва боқиб учун банкдан қредит олишни тақлиф қилган. Тожибоева М. уни тақлифига рози булиб зарур хужжатларни тайёрлаб Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки Маргилон шаҳар филиалидан 8-миллион сум қредит олган. Қредитнинг 5-миллион сумини 2000-йил 25 сентябрда тузилган шартномага асосан Олтиарик туманидаги «Яхшилик» дехқон фермер хужалиги ҳисобига утқазилиб, унинг 4.542.100 сумига 25 бош қора моллар, 27.900 сумига 930 кг. омухта ем, 43.000 сумига 2150 кг. шулха сотиб олинган. Қредитдан ортиб қолган 387.000 сум пулни «Яхшилик» дехқон фермер хужалиги раҳбари Яминов Ш. 82 фоиз нақд пул ҳисобида, яъни 317.000 сум пулни Эргашев Р.га қайтарган, уз навбатида бу пуллардан 2000 сумини Эргашев Р. йул харажатларига ишлатиб, қолган 315.000 сум пул Тожибоева М.га қайтарилган, Тожибоева М. томонидан эса бу пуллар «Ҳақиқат» фирмаси офиси учун қвартира сотиб олишга ишлатилган.

Жами 25-бош қорамоллар фуқаро Эргашев Р.га тегишли булган фермага олиб келингандан сунг, Эргашев Р.ни тақлифига қура Тожибоева М. ёғочни қайта ишлаб сотиб даромад олиш мумкинлигига ишониб 2002-йил 22 октябрь қуни 6-бош қорамолларни бозорда сотишга руҳсат берган ҳамда Эргашев Р. томонидан 6-бош моллар бозорда 815.000 сумга сотилиб, харид нархиға нисбатан 275.104 сум арзонга сотилгани сабабли, шу суммада зарар етқазилган, 6-бош молларни сотишдан тушган 815.000 сум пулни 460.000 сумига 6-бош қичикрок моллар сотиб олинган. Эргашев Р. 2002-йил 26-октябрь қуни Тожибоева М.ни руҳсати билан яна 5-бош молларни бозорга олиб қикиб харид нархидан 283.420 сум арзон нархга яъни 625.000 сумга сотиб, 283420 сум пулларни йукотилишиға йул қуйган, 5-бош молларни сотишдан

тушган 625.000 сум пулларни 334.000 сумига бозордан 4-бош кичикрок моллар сотиб олинган, колган 291.000 сумни 103.000 сумига Кувасойдан терак сотиб олинган ва колган пуллар ҳам теракларни келтириш ва қайта ишлаш учун сарфланган. Кейинчалик Эргашев Р. томонидан 2001-йил 7-январгача булган вақт давомида қорамолларни арзон гаровга сотиб юбориш оқибатида 1.790.000 сум маблағни йукотилишига олиб келинган.

«Хакикат» фирмасининг раҳбари Тожибоева М.Эргашев Р.нинг алдовларига ишониб Фаргона вилояти «Чорванаслхизмат» ОТАЖ ҳисоб рақамига насли куйлар харид қилиш учун кредит пулини 2-миллион сумини утқазиб берган, уш навбатида «Чорванаслхизмат» ОТАЖ бу пулни Сурхондарё вилоятининг Наслчилик бирлашмасига утқазган. Эргашев Р. шартномага асосан насли куйлар олиб қелиш учун 2002-йил ноябр ойи урталарида Фаргона вилоят «Чорванаслхизмат» ОТАЖ вакили Туйчиев Нозим билан узини ноқонуний турмуш уртоғи Отақулова Саодат ҳамроҳлигида Фаттохов Холмухаммад бошқарувидаги «Тико» русумли 15 Е 53 13 давлат белгилли автомашинада Сурхондарё вилояти, Денов шахрига бориб, у ердан «Хуршид» дехкон-фермер хужалиғи раҳбари Алиев Фахриддин орқали хусусий тадбиркор Дудалов Баходирдан 2-миллион сум кредит пули ҳисобига 66 бош қуй, 1-бош эчки сотиб олиб, Туропов Ашур бошқарувидаги юк автомашинасига юклаб Охунбоев туманидаги узини фермер хужалиғига олиб келган. Бунда қуйларни машинага нотугри юкланиши ва йулда қаровсизлик оқибатида қуйлардан 3 боши нобуд булган. Кейинчалик Эргашев Р. томонидан 14 бош қуйлар Фаргона вилоят «Чорванаслхизмат» ОТАЖ раиси Усмонов О. билан тузилган шартномага асосан шу ташкилотни узига 452.000 сумга сотилиб, бу сумма «Хакикат» фирмасининг банкдаги ҳисоб-рақамига утқазилган. Шунингдек, Эргашев Р. томонидан 5 бош қуйлар 193.000 сумга сотилиб пули «Хакикат» фирмасининг банкдаги ҳисоб рақамига утқазилган. Фермада нотугри парвариш қилиниши оқибатида яна 2 бош қуйлар касалланиб нобуд булади, 1 бош қуй нобуд булмаслиғи учун мажбуран суйилиб гушти 16.000 сумга сотилган, 1 бош қуй янги йил арафасида суйилиб ишчиларга тарқатилган, 7 бош қуйларни Эргашев Р. ни узи Тожибоева М. ни рўхсатсиз 130.000 сумга сотиб олиб пулини шахсий манфаатлари учун ишлатиб юборган, колган 33 бош қуйлар ва 7 бош қорамол келгусида нобуд булмаслиғи учун Тожибоева М. томонидан олиб кетилган.

Эргашев Р. қорва моллари ҳамда насли куйларни олиб қелиш ва сотиш жараёнида Тожибоева М. ни алдаш ва ишончини суиистеъмом қилиш йули билан унга жами булиб 5.693.00 сум жуда қуп микдорда моддий зарар етқазиб, шунингдек у узининг жиноий шериклари билан бир гуруҳ булиб қуйларни хужжатларини қалбақлаштириб узининг бу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 168-моддасини 3-қисмини «А» банди ва 228-моддаси 2-қисмини «Б» бандларида қурсатилган жиноятларни содир этганликда айбланиб судга берилган.

Ушбу ҳолат юзасидан суралган судланувчи Эргашев Р. узининг тергов давридан бошлаб берган барча қурсатмаларида юқорида эълон қилинган айбловга иқрор булмай у ҳеч қачон Тожибоева М. ни алдаб, қирибгарлик қилмаганини ва унинг шунча микдорда пулини узлаштирмаганини, фермада нечта мол-қуй сотилган булса ҳаммаси Тожибоева М. нинг узининг талаби ёқи розилиғи билан сотилганини, буни фермадаги молбоқарлар ҳам тасдиқлашини, дастлаб иш бошлаганларида мол-қуй сотиб олиш учун кредит масаласи ҳал булгандан сунг Тожибоева М. унга 1 миллион сум кредит пуллари банкда 850.000 сум нақд пулга айлантирилганини, уша пулни банкка бориб Равшан деган одамдан олиб қелишини тайинлагани ва ҳайдовчиси Аскарлов Сотволди билан бирга Маргилон шаҳар Миллий банкка бориб у ерда кредит булим бошлиғи булиб ишлаган Дадажонов Равшанга учраганда у биров қутиб туришни айтгани ва улар икки

соатча кутиб турганларидан кейин ушбу банкни кредит булимида ишловчи Одинахон исмли аёл битта сумкада 850.000 сум пул олиб келиб бергани ва у Аскарлов С. билан бирга бу пулни Тожибоева М.га олиб бориб берганини, яъни кредитни дастлабки 1-миллион суми ноконуний равишда нақд пулга айлантирилгани, кредит пулини 5-миллион суми Олтиарик туманидаги «Яхшилик» фермер хужалигига утказилиб, бу пулни 4.542.100 сумига Тожибоева М.ни узини тулик иштирокида 25-бош корамол сотиб олингани, 27.900 сумига 930 кг. омухта ем, 43.000 сумига 2150 кг. шелуха олингани, уларни «Яхшилик» фермер хужалигига утказилган кредит пулидан яна 387.000 сум хаклари колгани ва Тожибоева М. унга узига хозир пул кераклигини, колган кредит пулини нақд пул килиб олиб келиб беришни айтгани ва у «Яхшилик» фермер хужалиги рахбари Яминов Ш.га учраб ундан 387.000 сум кредит пулини хисобидан 82 % нақд пул сифатида жами 317.000 сум олиб бу пулни 2 минг сумини йул харажатларига сарфлаб колган 315.000 сумини Тожибоева М.га олиб бориб берганини ва Тожибоева М. бу пулни узини харажатларига ишлатиб юборгани, молларни фермага олиб борганларидан кейин орадан 3-4 кун утиб 22 октябрь куни Тожибоева М.ни узини рухсати билан 6 бош корамолларни бозорга олиб чикиб 815.000 сумга сотиб бу пулни 460.000 сумига 6 бош кичикрок мол сотиб олингани, колган 350.000 сум пулни хайдовчи Аскарлов Сотволди билан бирга яна Тожибоева М.ни узига олиб бориб бергани ва бу пулдан 300.000 сумини Тожибоева М. уни иштирокида кушнисидан сотиб олган квартира учун бергани, колган 50.000 суми Тожибоева М.ни квартираси ременти учун сарфлангани, 26 октябрь куни ҳам Тожибоева М.ни розилиги билан яна 5 бош молни бозорга олиб чикиб 625.000 сумга сотиб, урнига 334.000 сумга 4 бош кичикрок мол сотиб олингани, колган пулларга Тожибоева М.ни розилиги билан Кувасойдан тераклар сотиб олингани, бундан ташқари, Тожибоева М.ни узи фермадаги молбокарларга хат ёзиб бериб, телефон орқали айтиб молларни соттиргани, буни молбокарлар ҳам тасдиқлашини, Сурхондарёдан олинган 67 бош насли куйлардан узок йулда келишда 3 боши нобуд булиб, 64 боши етиб келгани, фермага келгандан кейин яна 2 бош куй касалланиб нобуд булгани, 1 боши ҳам мажбурий суйилиб, гушти 16.000 сумга сотилиб бу пулни ҳам у Тожибоева М.ни узига олиб бориб бергани, 25 бош моллар 2000 йил 17 октябрда, 64 бош куйлар 26 ноябрда фермага олиб келинган булсада 2001-йил 7 январ кунигача Тожибоева М. томондан мол-куйларга дастлаб олинган 3080 кг. озукадан ташқари ҳеч қандай озука олиб берилмагани, 25 бош молларга 2000 йил 17 октябрдан 7 январгача булган вақтда энг паст рацион буйича олинганда ҳам 31.500 кг. озука сарфланиши, 64 бош куйларни бир ой давомида парвариш қилиш учун 11.135 кг. озука сарфланиши, бу ҳақда у тергов органига ҳам айтгани, лекин эътиборга олинмагани, 64 бош куйлар олиб келингандан кейин Тожибоева М. бу куйларни ёқтирмагани сабабли куйларни етказиб берган «Чорванаслхизмат» ташкилоти ҳамма куйларни йул харажатларини ҳам қоплаб қайтариб олишга рози булгани ва 14 бош куйни ҳар бир бошини уртача 32.285 сумдан 452.000 сумга сотиб олишиб пулини Тожибоева М.ни «Хакикат» фирмаси ҳисоб-рақамига тушириб берганлари, ваҳоланки бу куйларни сотиб олиш нархи бир боши 29.850 сумдан булгани, «Чорванаслхизмат» ташкилоти колган ҳамма куйларни ҳам ҳар бир бошини 40.000 сумдан қайтариб сотиб олишни таклиф қилганида Тожибоева М. рози булмагани, Тожибоева М. куйларни шу нарҳда сотишга рози булганда зарар эмас, балки анча фойда қурган булишини, бироқ Тожибоева М. 2001 йил 7 январ куни фермага келиб фермада колган 7 бош корамол ва 33 бош куйларни олиб чикиб кетгани, у узи олиб чикиб кетган ушбу 33 бош куйларни «Чорванаслхизмат» га ҳар бир бошини 40.000 сумдан сотмасдан кейинчалик бу куйларни 8-10 минг сумдан сотдим деб берган курсатмаси ҳеч қандай мантиққа тугри келмаслиги, у нима иш қилган булса Тожибоева М.ни рухсати ва розилиги билан қилганини ва бу ишларни ҳаммасидан Тожибоева М. хабардор булганини, лекин тергов органи булиб утган ишларни

хаммасига факат уни узини айбдор килиб,Тожибоева М. харакатига ҳеч қандай баҳо бермаганини билдириб,ишни қонуний ҳал қилишни суради.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Эргашев Р.нинг юқорида келтирилган вазияти текширилмаган ва тегишли ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Қушимча тергов даврида судланувчи Эргашев Р.нинг юқоридаги курсатмаларидан келиб чиқиб,банк томонидан мақсадли берилган кредит ҳисобига олинган ва иш материаллари ичида мавжуд «Ҳақиқат» хусусий фирмаси билан банк уртасида тузилган гаров шартномасига асосан гаровда бўлган қорва хайвонларини бозорларда қонуний сотиб юборилиши ва урнига бош сонини йукотмай қичқроқ моллар сотиб олиниб,уртадаги фарқ суммасини кредит шартномаси ва бизнес режага зид равишда бошқа мақсадларда ишлатилиши,банк томонидан берилган кредит ҳисобига сотиб олинган ва гаровда бўлган 25 бош қорамол ва 67 бош қўйларни йукотилишида судланувчи Эргашев Р. билан бир қаторда фуқаровий даъвогари Тожибоева М.нинг ҳам харакатларига тегишли ҳуқуқий баҳо берилиши лозим бўлади.

Шунингдек,ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари бўйича Охунбобоев туман судининг 2001-йил 1-апрель кундаги жиноят ишини қушимча терговга қайтариш ҳақида ажримда курсатиб утилган тергов қамчиликлари ҳам атрофлича текширилиб бартараф этилиши лозим.

4.Бундан ташқари дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Эргашев Р.га жиноий шериклари Тўйчиев Нозим, «Хуршид» дехқон фермер хужалиги раҳбари Алиев Фахриддин,хусусий тадбиркор Дудалов Баходир,Сурхондарё вилояти «Наслчилик бирлашмаси» бош зоотехниги Хонимов Муҳаммадлар билан узаро жиноий тил бириктириб,аслида насли бўлмаган қўйлар учун сохта наслилик гувоҳномалари тузиб қўйларни бирма-бир тарозида ториб қурмасдан,вазнини тахминан курсатиб,Тожибоева М.ни алдаш йули билан уни 2-миллион сум маблағини узлаштиришда айб эълон қилинган бўлсада ( 3-том и.в 175 ),лекин Эргашев Р.дан ташқари бирон-бир шахсга бу ҳолат бўйича айб эълон қилинмаган,уларни харакатлари атрофлича текширилмаган ва тегишли ҳуқуқий баҳо берилмаган.Жиноят ишини 3-том 172 варағида жиноят иши ичидан бир қисмини харакатдан тугатиш ҳақида қарор мавжуд бўлиб,ушбу қарорда Эргашев Р.нинг жиноий шериклари Тўйчиев Н,Алиев Ф ва Хонимов М.лар гумондор тариқасида ҳам сурок қилинмаган бўлсада,уларнинг харакатларида Узб.Респ.ЖК.нинг 228-моддасини 2-қисмини «б» бандида курсатилган жиноят аломатлари мавжудлиги курсатилиб,лекин ушбу жиноят ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар турқумига қириши сабабли Узб.Респ.Президентининг 2001-йил 22 августдаги амнистия тугрисидаги Фармонини қўллаб уларни қисмини харакатдан тугатиш ҳақида қонуний қарор чиқарилган.Чунки Узб.Респ.ЖК.нинг 228-моддаси 2-қисмини «б» банди санкциясида 3-йилдан 5-йилгача озодликдан маҳрум қилиш ҳазоси қўзда тутилган бўлиб,демак бу жиноят ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар турқумига қирмайди ва жиноят ишини уларга нисбатан бўлган қисмини амнистия Фармонига асосан тугатиш учун асос бўлмайди.Шунга қўра, суд тергов органининг ушбу қонуний чиқарилган қарорини бекор қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК.нинг 419-моддасини 4-бандига асосан шу иш юзасидан бошқа шахсларни айбланувчи тариқасида жалб қилишга асослар бўлса ва уларга тегишли материалларни ишдан ажратиш мумкин бўлмаса,суд жиноят ишини қушимча тергов юритиш учун қайтариши лозим.

Иш бўйича судланувчи Эргашев Р.нинг харакати унинг жиноий шериклари Тўйчиев Н,Хонимов М,Алиев Ф ларнинг жиноий харакатлари билан узвий

богликлиги,улар жиноятни узаро тил бириктириб,бир гуруҳ булиб содир этганликлари ва уларни харакатларини бир-биридан ажратиб алоҳида хал килиш мумкин эмаслиги сабабли кушимча тергов даврида Туйчиев Н,Хонимов М ва Алиев Ф.ларга ҳам судланувчи Эргашев Р. билан бир гуруҳ булиб узаро жиной тил бириктириб,аслида насли булмаган куйлар учун сохта насллик гувоҳномалари тузиб хужжатларни калбакилаштириб жиноят содир этганликда айб эълон килиниши ва айблов хулосаси билан жиноят ишини судга юборилиши лозим булади.

Дастлабки терговнинг юкоридаги камчиликларини суд мажлисида тулдириш имконияти йук ва бу камчиликлар факат кушимча тергов харакатлари утказиш йули билан бартараф этилиши мумкин.

Юкоридагиларга асосан,суд Узбекистон Республикаси ЖПК.нинг 419,423 моддаларини куллаб ажрим килади,-

### **А Ж Р И М :**

Эргашев Рахимжон Позиловични Узбекистон Республикаси ЖК.нинг 168-моддасини 3-кисмини «а» банди,184-моддаси 3-кисми,228-моддасини 1-кисми ва 2-кисмини «б» банди билан айблаш хакидаги жиноят иши кушимча тергов харакатлари олиб боришлик учун Охунбобоев туман прокурори оркали тергов органига кайтарилсин.

Эргашев Р.П.га нисбатан кулланилган эхтиёт чораси камокда саклаш аслича узгаришсиз колдирилсин.

Жиноят иши материаллари ичида мавжуд ( 3-том 172-варок ) Охунбобоев тумани ИИБ Тергов булинмаси бошлиги Суяркулов М.Х.нинг 2001-йил 23 декабрда чикарилган жиноят ишини Туйчиев Н.,Хонимов М. ва Алиев Ф.ларга нисбатан булган кисмини харакатдан тугатиш хакидаги карори бекор килинсин.

Ажримдан норози томон 10-кун муддат ичида шу суд оркали Жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят судига хусусий шикоят,протест келтиришга хакли.

**Раислик этувчи :- имзо**

**Халк маслахатчилари :- 1. имзо**

**2. имзо**

**Ажрим нухаси аслига тугри :**

**Жиноят ишлари буйича Олтиарик тумани**

**Судининг раиси :-**

**Т.Вахобов.**